O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025/9



ISSN: 2181 7804


www.vetteria.uz








WRESTLING

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/9

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Ш.Ш. Газиев – Совершенствование тактической подготовленности бойцов рукопашного боя на этапе высшего спортивного мастерства. 3

А.К. Эштаев – Использованием нестандартных средств в силовой подготовке гимнастов. 7

Л.Д. Сейдалиева., У.А. Мусаева – Гимнастика турлари билан шуғулланувчи спортчи қизларнинг жисмоний ривожланиши ва тана вазнининг компонент таркибини қиёсий баҳолаш. 11

Д.Ш. Зайнитдинова – Яккакураш спорт турларида мусобақа олди тайёргарлик босқичини режалаштириш. 13

Ф.Р. Тураев – Юқори малакали дзюдочиларнинг техник-тактик тайёргарлигини ошириш методикаси. 18

Ғ.Т. Исмоилов – Кикбоксчиларнинг зарба техникаси жараёнида тана бўғими ҳаракати кўрсаткичлари кинематикасини аниқлаш. 22

И.М. Мадримов – Ҳаваскор боксчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлик даражасини тест кўрсаткичлари асосида баҳолаш усуллари. 25

А.А. Болтаев – Волейбол бўйича U19 Жаҳон чемпионати натижалари асосида техник-тактик кўрсаткичларни таҳлил қилиш. 29

Г.У. Худоёрова – Тайёрлов даврида ёш каратэчиларнинг техник тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилашда функционал кўпкураш–кроссфит восита ва усулларидан фойдаланиш. 31

С.Д. Полатов – Влияние интеграции кубинской методики на технические показатели боксёров сборной Узбекистана. 36

А.К. Эштаев – Факторы технической подготовки, объективно влияющие на процесс усвоения элементов на видах гимнастического многоборья. 40

Ж.Ж. Бердимуратова – Ўқув-машғулот гуруҳида шуғулланувчи оғир атлетикачи қизларнинг машғулот юкламаларини ишлаб чиқишда унинг методик усуллари ва мусобақа фаолиятига таъсири. 44

Ш.К. Шокиржонов – Ўқув-машғулот гуруҳи футболчиларининг енгил атлетика воситалари ёрдамида жисмоний тайёргарлигини ошириш. 47

З.Ч. Норқулов – Малакали ёш оғир атлетикачилар машғулотида махсус ривожлантирувчи машқларни режалаштириш услубияти. 52

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 23.09.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/9

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

О.Х. Хасанов – Ёш футболчиларнинг психик ҳолати ва нейродинамик функцияларининг ривожланиш даражасидаги ўзаро боғлиқлик. 56

А.Э. Бобомуродов – 7-8 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини инобатга олиб спорт турларига саралаш. 61

К.К. Озодов – Особенности управления подготовкой тяжелоатлетов в длительном процессе становления спортивной квалификации. 64

А.Р. Раҳмонов – Глобаллашув жараёнида ёш авлодда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари. 67

И.А. Мирзабеков – Белбоғли курашчиларнинг вазн тоифалари хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини ошириш методикаси. 73

С.Э. Қодиров – Ўзбекистон, Грузия, Хитой мамлакатлари юқори малакали дзюдочиларни тайёрлаш тизими механизмлари. 75

А.Б. Жураев – Проблемы современной физической культуры и значение студенческого бокса в их решении. 79

Ш.Ш. Махмудов – Климато-географические условия как фактор временной адаптации тяжелоатлетов. 83

М.К. Жуманиязов – Ёш регбичиларни тайёрлашда жисмоний иш қобилиятини ривожлантиришнинг назарий асослари. 86

АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ АДАПТИВНАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА

Л.Т. Давлатова – Кўп йиллик тайёргарлик босқичида пара волейболчиларни техник тайёргарлигини ошириш технологияси. 90

Ч.А. Бердиева – Таянч ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган талаба қизларнинг ҳаракатланиш имкониятларидан келиб чиқиб куч қобилиятини ривожлантириш. 93

М.Х. Полатова – Развитие координационных способностей у слабослышащих детей дошкольного возраста с помощью подвижных игр 6-7 лет. 95

Н.Ш. Бобомурадов – Малакали пара дзюдочиларнинг функционал ва психо-эмоционал ҳолатларини баҳолаш услуби. 98

БОЛАЛАР – ЎСМИРЛАР СПОРТ ДЕТСКО-ЮНОШЕСКИЙ СПОРТ

Д.С. Курбанова – Бадиий гимнастикачиларда бошланғич спорт машғулотлари доирасида координация қобилиятларини мақсадли тарбиялаш. 100

10. Кузьмин Н.В. Методы системного педагогического исследования: Учеб. пособие. - М.: Нар. образование, 2002. - 207, [1] с.: ил.
11. Куликов Л.М. Управление подготовкой спортивного резерва в олимпийских видах спорта на региональном уровне // Теория и практика физической культуры. - 2010. - № 11. - С. 27-31.
12. Марченко В.В. Особенности тренировки квалифицированных тяжелоатлетов // Теория и практика физической культуры. -2004. -№ 2. -С. 33-36.
13. Матвеев, Л.П. Общая теория спорта и ее прикладные аспекты: учебник для вузов физической культуры. - М.: Советский спорт, 2010. - 340 с.
14. Маткаримов Р.М. Оммавий разрядли оғир атлетикачилар машғулот нагрузкалари ҳажми ва шиддатининг оптимал нисбатлари: Дис. ... канд. пед. наук. - Ташкент: УзГИФК, 1999. - 184 с.
15. Медведев А.С. Система многолетней подготовки в тяжелой атлетике. - М.: Физкультура и спорт, 1986. - 272 с.
16. Морозов М.Е. Научно-методические особенности начальной подготовки тяжелоатлетов в 10-15-летнем возрасте: диссертация ... кандидата педагогических наук: 13.00.04. Краснодар, 2001. 184 с.
17. Никитушкин В.Г. Многолетняя подготовка юных спортсменов: монография. - М.: Физическая культура, 2010. - 240 с.
18. Олешко В.Г., Лутовинов Ю.А. Содержание тренировочной работы юных квалифицированных тяжелоатлетов болгарской и отечественной школ // Физическое воспитание студентов творческих специальностей: сб. научных трудов под ред. проф. Ермакова С.С.- Харьков: ХГАДИ (ХХПИ), 2006. - № 4.- С. 35- 42.
19. Паков А.В. Оптимальные тренировочные нагрузки в полугодичном цикле у тяжелоатлетов-разрядчиков технической подготовленности: диссертация ... кандидата педагогических наук: 13.00.04. Ташкент, 1978. - 237 с.
20. Роман Р.А. Тренировка тяжелоатлета. – 2-е изд., перераб., доп. - М.: Физкультура и спорт, 1986. - 175 с.
21. Сергиенко Л.П. Спортивный отбор: теория и практика: монография. – М.: Советский спорт, 2013. - 148 с.
22. Сивохин И.П. Управление подготовкой тяжелоатлетов высокой квалификации на основе комплексного контроля тренировочной деятельности: автореферат дис. … д-ра пед. наук. – Алматы, 2009. – 44 с.
23. К.Ф. Баязитов – Проблемы управления подготовкой тяжелоатлетов в многолетнем процессе становления спортивного мастерства. Фан-спортга илмий назарий журнали. Чирчиқ шаҳри. 2021 й. 3-сон. Б. 69-73.

Фалсафа доктори (PhD)
А.Р. РАҲМОНОВ[1]
[1]Наманган давлат университети
Наманган шаҳри, Ўзбекистон

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШ АВЛОДДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация

В статье на основе глубокого педагогического анализа образовательной системы зарубежных стран исследованы новые принципы воспитания военно-патриотического чувства, а также разработаны обоснованные предложения по привлечению внимания молодежи к военной сфере. Разработанные предложения могут быть использованы независимыми исследователями, преподавателями и тренерами в их педагогической деятельности.

Ключевые слова: *молодежь, глобализация, военный патриотизм, воспитание, принцип, Родина, учебное заведение, военная служба, национальная идентичность, гордость, гордость.*

Annotation

Мақолада ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг янгича тамойиллари хорижий давлатлар таълим тарбия тизимини чуқур педагогик таҳлил қилиш асосида ўрганилди ва ёшларни ҳарбий соҳага қизиқтириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таклифларни мустақил тадқиқотчи ва изланувчилар, устоз ва мураббийлар педагогик фаолиятида қўллаши мумкин.

Калит сўзлар: *ёшлар, глобаллашув, ҳарбий ватанпарварлик, таълим-тарбия, тамойил, Ватан, таълим муассасаси, ҳарбий хизмат, миллий ўзлик, фахр, ғурур.*

In the article, the new principles of military patriotism education were studied on the basis of a deep pedagogical analysis of the educational system of foreign countries, and reasonable proposals were developed to interest young people in the military field. The proposals developed can be used by independent researchers and researchers, teachers and trainers in their pedagogical activities.

Key words: *youth, globalization, military patriotism, education, principle, Motherland, educational institution, military service, national identity, pride, pride.*

Кириш. XXI аср глобаллашув жараёнлари жамиятнинг барча соҳаларига, жумладан, таълим тарбия соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Миллий давлатчилик, маданий ўзлик ва анъанавий қадриятлар тизими янги таҳдид, хавф хатарлар билан тўқнаш келмоқда. Натижада ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда анъанавий усуллар самарасиздек кўриниб, янгича ёндашув, фикрлаш ва вазиятни баҳолашни талаб қилмоқда.

Глобал ахборот маконида ижтимоий тармоқлар ва рақамли технологиялар ёшлар дунёқараши шаклланишига кучли таъсир кўрсатиб, тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Дунё давлатларида миллий хавфсизлик концепцияси таркибий қисми кенгайиб, нафақат ҳарбий соҳани балки иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот, экологик ва маданий соҳалардаги хавф хатарларни ҳам ўз ичига олмоқда. Гибрид урушлар, киберҳужумлар, оммавий маданият ниқоби остидаги ёшлар тарбиясига таъсир қилувчи салбий иллатлар, ижтимоий тармоқдаги ёлғон ахборот оқими, ёшлар онгига ғоявий таъсир қилиш каби таҳдидларнинг пайдо бўлиши ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг янгича тамойилларини ишлаб чиқишга зарурият туғдирмоқда. Шу ўринда савол туғилади. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг янгича тамойиллари нималардан иборат.Тамойилларнинг ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига таъсири ва аҳамияти қай даражада.

Мақолада келтирилган саволларга жавоб бериш билан бирга ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини оширишнинг самарали усул ва механизмлари ишлаб чиқилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги

кунга қадар ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир кўплаб педагогик тадқиқотлар ва изланишлар олиб борилган. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида аксарият давлатлар миллий ўзлигига таянган ҳолда қарор ва фармонлар, концепция ва дастурлар ишлаб чиққан. Ишлаб чиқилган дастур ва қарорлар абадий бўлмай ўзгартиришлар киритиб борилиши табиий ҳол бўлиб тарбиянинг мукаммал ва давомий бўлишини таъминлаб беради.

МДҲ давлатлари тадқиқотчилари Д.Н. Чангалиди тадқиқот ишида глобаллашув даврида ватанпарварлик тарбиясини чуқур таҳлил қилиб ёшларда ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришда ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти муҳим [1, 278-281] эканлигини ёритиб ўтган бўлса, Т.М. Маркова., Ю.В. Лашина., В.С. Нитченколар [2, 163-164] замонавий глобаллашув шароитида ёшларни ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш масалаларини тадқиқ қилганлар.

Маҳаллий тадқиқотчи, олима Н.Эшчанова ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда илғор технологияларнинг аҳамияти ва ўрнини юксак баҳолаб, ОАВ ва интернет тармоқлари асосий омил сифатида келтириб ўтган [3, 471-474].

Адабиётларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг янгича тамойиллари глобаллашув шароитида педагогик нуқтаи назардан ўрганилмаган. Натижада мавзуни давом эттириш ва тадқиқот ишларини олиб боришга зарурият туғдирмоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда педагогик илмий тадқиқот методларидан педагогик кузатиш *(таълим муассасаларида юқори синф ўқувчиларининг ҳарбий соҳага бўлган муносабатларини кузатиш),* суҳбат *(педагогик кузатиш натижасида олинган маълумотларни бойитиш учун),* таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш *(сўнги икки йилда ўқувчиларнинг полигонларга ташрифи ва амалий отиш натижалари)* ва педагогик таҳлил *(муаммонинг педагогик, психологик ва фалсафий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси)* усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, Собиқ иттифоқ мафкураси билан вояга етган инсонлар дунёқараши, таълим тарбияси ва турмуш тарзини ўзгартиришга зарурият туғилди. Сабаби давлатнинг истиқлолга эришиши нафақат “биз мустақилмиз” деган қуруқ гаплар билан эмас балки фуқароларнинг ҳам онгли равишда Ватан мустақиллигини тан олиши, Ватани олдидаги масъулият ва бурчини англаб етиши билан намоён бўлади. Ҳар қандай давлат фуқаролар қалбида миллий ўзликка нисбатан ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда, Ватанига бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини пайдо қилишда ўз давлатчилик тарихига, миллий қадрият ва анъаналарига, буюк саркардаю, миллат қаҳрамонларига таянади.

Бугунги ахборот асри ўзининг тезкорлиги ва ўзгарувчанлиги билан аҳамиятли бўлиб, ёшлар таълим тарбиясига инновацион ёндашувларни, илғор технологиялардан фойдаланишни, замонавий педагогик дастурлар яратишни тақозо қилмоқда. Сабаби бугунги олинган маълумот ёки хулоса эртанги кунга тўғри келмасдан ўз аҳамияти ва қийматини йўқотиши натижасида янги принцип ва усуллар билан ишлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳам анъанавий тамойиллардан фарқли равишда янгича фикрлашни, ёндашувни, ҳарбий сиёсий вазиятни мунтазам таҳлилини олиб боришни ва замонга мос равишда ёндашувни талаб қилмоқда. Хорижий давлатлар таълим муассасаларида йўлга қўйилган ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тизими педагогик таҳлил қилиниб, тарбиянинг янгича тамойиллари ишлаб чиқилди.

Кўргазмалилик тамойили; Бугунги кунда дунё давлатлари хавфсизлик масаласига турлича қарамоқда. Қайсидир давлатлар хусусий ҳарбий компаниялар билан шартнома тузиб ишлаётган бўлса, яна қайсидир давлатлар ўзга давлат армияси базасини ўз ҳудудига жойлаштирмоқда. Афсуски иккала вазиятда ҳам ёлланма аскарларга жавобгарликдан кўра кўпроқ фойда олиш биринчи ўринда эканлиги намоён бўлмоқда. Бундай вазиятда оқилона йўл мамлакат фуқароларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий армиянинг жанговар тайёргарлигини оширишдан иборатдир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг кўргазмалилик тамойили асосида тарбиялаш жуда муҳим ва аҳамиятли жараён ҳисобланади. Сабаби бугунги глобаллашув даври ёшлари *“кўзи билан кўриб, қўли билан ҳис қилиши”* орқалигина янгича тасаввурга эга бўлиши, бирон бир воқеа ва ҳодисага нисбатан муносабат билдириши мумкин. Тажрибалар натижаси шуни кўрсатмоқдаки инсон тана аъзолари ичида унинг кўзи энг яхши таҳлил қилиш аъзоси ҳисобланар экан. Мисол учун туман ва шаҳар марказларида, мактаб ва маҳаллаларда намойиш қилинаётган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника кўргазмалари, ҳарбий техник воситаларнинг намойиши, ҳарбий хизматчиларнинг турли кўринишдаги жанговар ва профессионал чиқишлари улардаги ҳарбий соҳага бўлган қизиқишни янада оширади.

Тарихий жанглар мисолида кўрсак ҳам аввало саркардалар бирон бир ҳудудга юриш қилишдан олдин босиб олмоқчи бўлган ҳудудини айғоқчилар келтирган маълумотлар асосида макетини ясатганлар. Сабаби ҳар бир аскар ўзининг жангдаги

вазифасини аниқ тушуниб етиши, кўзи билан кўриш орқали душман ҳудудининг рельефини тасаввур қилишлари учун. Ясатилган жой макети олдида туриб қўшиннинг жанг олиб бориш режаси ишлаб чиқилган. Натижада кам сонли қўшин билан ҳам юқори натижаларга эришган.

Таълим-тарбия беришнинг кўргазмали тамойили ҳақида Ибн Сино асарларида ҳам учратиш мумкин. "...инсон ҳақиқатдан мавжуд нарсаларни ёки уларнинг тасвирини идрок этиши туфайли унда объектив воқеликни тўғри акс эттирадиган тасаввур шаклланади" [4, 186] дея эътироф этган. Кўргазмалилик усули орқали инсон аввало идрок эта бошлайди, идрок этган нарсаси ёки ҳодисаси унинг онгида бутун умрга сақланиб қолади. Мисол учун ёшларнинг бирон марта бўлса ҳам жанговар қуролдан отиб кўриши, ҳарбий техникани бошқариб кўриши, жанговар вертолёт ёки танкдан амалий ҳайдаб кўриши уларнинг хотирасида муҳрланиб, ҳарбий соҳага бўлган иштиёқини уйғотади. Бир неча йиллар ўтса ҳам ички бир ғурур билан эслаб, фахрланиб сўзлаб юришади. Чех педагоги Ян Амос Каменский ўзининг буюк дидактика китобида "Эшитганини айтиб берадиган ўнта кишидан ўз кўзи билан кўрган битта гувоҳ афзал" [5, 174-175] деб таъкидлагани бежиз эмас. Кўргазмалилик тамойили анъанавий тамойиллардан фарқли равишда *(анъанавий тамойиллар аксарияти назарий тарбия беришга асосланган)* амалий фаолият билан уйғунлашиб кетади. Тарихга назар ташласак буюк саркарда Амир Темур ҳам ўзининг аскарларини ҳарбий ватанпарварлик руҳиятини янада ошириш мақсадида қўшинга шахсий намуна кўрсатиб жангга шахсан ўзи кирган. Жанга кирган саркардани кўзлари билан кўрган аскарларнинг жанговар руҳияти ошиб, душман устидан ғалаба қозонишига сабаб бўлган. "Энг оғир вазиятлардан жангга саркарданинг ўзи кириб намуна кўрсатиша аскарлар руҳиятини оширган" [6, 65-71].

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ҳарбий сиёсий вазият билан боғлиқлилик тамойили; Бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда содир бўлаётган ҳар бир воқеа ва ҳодисани чуқур таҳлил қилмаслик, давлат манфаатларига ижобий ёки салбий таъсирини ўрганмаслик эртанги кун учун салбий ҳолатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Жаҳонда ва минтақадаги рўй бераётган ҳарбий сиёсий вазият жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиши ҳақиқатдир. Хусусан давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаси билан бирга таълим-тарбия соҳасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Яқин шарқ давлатлари ҳудудида кузатилаётган нотинчликлар, Россия ва Украина ўртасида кечаётган қуролли можаролар барча давлатлар қатори мамлакат мудофаа ва хавфсизлик соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мисол учун жанговар ҳаракатлар тажрибасидан келиб чиқиб жанг олиб боришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди ва жанговар низомларга ўзгартириш сифатида киритилди [7, 120-189]. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими қайта кўриб чиқилиб ягона бошқарув тизими остидаги "Мудофаа Университети"[8] фаолияти ташкил қилинди. Мактабдаги ўқувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ошириш учун ЧҚБТ фанлари ўқув дастури, моддий базаси, педагог кадрлар фаолияти қайтадан кўриб чиқилди [9]. Амалга оширилган барча ислоҳотларнинг ягона сабаби жаҳонда ва минтақадаги ҳарбий сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ҳамда ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг долзарб аҳамият касб этиб бораётганлигидир.

Мисол учун ЧҚБТ фани ўқитувчиларининг штат лавозимини Мудофаа Вазирлиги тизимига ўтказилиши. Фаннинг ўқув дарслиги олдинги дарсликлардан фарқли равишда буюк саркардалар Амир Темур ва Жалолиддин Мангубердиларнинг ҳарбий маҳорати, жанговар санъати ва ҳукмронлик қилган салтанат ҳудудларининг дарсликка киритилиши, ёшларга фавқулодда ҳолатларда ўзини қандай тутиш, яралар бўлган сафдошига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби мавзулар ёритиб ўтилганлиги албатта қувонарли ҳолдир. Сабаби ўқувчи ёшлар ҳарбий хизматга бормасдан туриб ҳам дарсликлар орқали буюк саркардаларнинг ҳарбий ватанпарварлиги, ҳарбий маҳорати ва санъати ҳақида билимларга эга бўлиши, жамоадошига фавқулодда ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш орқали унинг ҳаётини сақлаб қолиши бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишидир.

Ислоҳотларнинг навбатдагиси ҳар бир туманда ташкил этилган "Жасорат" мактаблари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги. Барча ислоҳотлардан кўзланган ягона мақсад ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни Ватан олдидаги бурчини бажаришга тайёрлаш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини оширишдан иборатдир. Мақсадга эришишда асосий вазифалардан бири ҳарбий сиёсий вазиятни доимо ўрганиб боришдир.

Назария ва амалиётни уйғунлаштириш тамойили; Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси қуруқ сўзлар, баландпарвоз гаплар билан амалга ошириладиган жараён эмас. Агарда шундай бўлганида бундай тарбия шунчаки расмиятчилик, таъсир кучи кам, самарасиз жараёнга айланиб қолган бўлар эди. Назарий ва амалий билимларни уйғунликда татбиқ қилиниши нафақат ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида балки барча таълим тарбия йўналишида ҳам самарали, таъсирчан усуллардан бири ҳисобланади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида назария ва

амалиёт бир-бирини тўлдирувчи икки мезондир. Мезонларнинг уйғун ҳолатда қўлланилиши тарбиянинг мукаммаллигини, мустаҳкамлигини ва давомийлигини таъминлаб беради. Шарқ Арастуси номи билан танилган, буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий (ваф. 950) ўзининг асарларида назария ва амалиётни уйғунлаштириш таълим ва тарбиянинг мукаммаллигини таъминлаши тўғрисида фикр юритган. “Таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш тажриба билан амалга оширилади. Иккаласи бирлашса етуклик намоён бўлади” [10, 368] дея таъкидлаган.

Назарий билимлар орқали ёшлар Ватан, бурч, масъулият, жавобгарлик, ҳарбий хизмат, миллий армия тушунчаларининг моҳиятини англаб етса, амалий машғулотлар орқали Ватанни ҳимоя қилишда ўзининг нималарга қодир эканлиги, камчилик ва устун томонларини англаб етади. Мисол учун мактабда ўқувчиларга жанговар қуролнинг тузилиши, имкониятлари ва қўллаш тартиби тушунтирилади. Уларнинг ҳарбий полигонларга ташрифи давомида қуролдан жанговар отиб кўриш, қисмларга ажратиш ва йиғиш, отиш вақтида порох ҳидини ҳис қилиши унинг масъулиятли ва бурчига садоқатли бўлишга янада ундайди. Натижада ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбияси хотирада мустаҳкам қолишига ва давомий бўлишига эришилади.

Яна бир мисол бугунги кунда маҳалла ва мактабларда ўтказилаётган қурол аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг намойиши. Намойишлар тўлалигича амалий ҳаракатлар йиғиндисидан иборат. Бироқ кўргазмада турган қурол ёки жанговар машинани тузилиши, техник имкониятлари, жанговар қобилияти ҳақида томошабинга тушунтириб берилмаслиги самарадорлик коэффициентини учун шунчаки бир армия техникаси ҳисобланади холос. Бундай ҳолат худдики бирон бир зиёратгоҳ жойга борган турист йўлбошчи (гид) нинг хизматидан фойдаланмай ўзи шунчаки томоша қилганига қиёслаш мумкин. Натижада турист учун саёҳат ҳеч қандай янгилик ёки қизиқишга сабаб бўлмай, мазмунсиз бир сайрга айланганига ўхшатиш мумкин. Агарда жанговар техниканинг 40 км масофага отиши, 16 сонияда 8 та ракета улоқтириш имкониятига эга эканлиги ҳамда ҳозирги кунда Қуролли Кучларда бундай техникаларнинг мавжудлигини айтиб ўтилиши ёшларнинг қизиқишини янада ошишига, улардаги ички ғурур, фахр туйғусининг уйғонишига сабаб бўлади.

Индивидуал ёндашув тамойили; Ёшларни бирон-бир касбга йўналтиришда, билим беришда уларга индивидуал жиҳатдан ёндашиш самарали, таъсирчан ва муваффақиятли натижа берувчи педагогик жараён саналади. “Индувидиаллик-шахснинг ўзигагина хос бўлган бетакрор хатти ҳаракат ва хусусий белгилари” [11, 95]. Инсоннинг болалик давридан бошлаб то ёшлик даври якунига қадар унинг таълим тарбия олиши, ахлоқан етукликка эришиши, бирон соҳа билан банд бўлишида маълум шахсларнинг индивидуал жиҳатдан ёндашуви муҳим рол ўйнайди. Жумладан оилада ота-она, маҳаллада нуронийлар, қўни қўшнилар, маҳалла фаоллари, ёшлар етакчиси, мактабда устоз ва мураббийлар.

Ёшлар ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияланганлик даражаси асосан юқори синф даврида намоён бўла бошлайди. Кимдир келажакда зобит бўлишни мақсад қилса, кимдир муддатли ҳарбий хизматга боришни, яна кимдир аскарликдан сўнг шартнома асосида ҳарбий хизматда қолишни ният қилади.

Бундай вазиятда ёшларнинг индивидуал сифатларини ўрганиш, уларнинг қобилият ва имкониятлари даражасидан келиб чиқиб ҳарбий фаолиятга йўналтириш мураккаб ва аҳамиятли жараён саналади. Индивидуал жиҳатдан ёндашишда ёшларнинг темпераменти, шахсий хусусиятлари *(ёши, жинси, руҳий ҳолати, интеллектуал билим даражаси, қизиқиши, жисмоний сифатлари)* ҳисобга олинади. Сабаби ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос бўлган яширин қобилият ва имкониятлари мавжуд бўлиб, тўғри йўналтириш орқалигина бундай қобилиятларни юзага чиқариш мумкин. Ўқувчи ёшлардаги мавжуд қобилият ва имкониятларни аввало уларга индивидуал топшириқлар бериш, ўзаро шахсий суҳбат қуриш, педагогик нуқтаи назардан кузатиш орқали аниқлаш мумкин.

Ҳаттоки бугунги кунда Исроил давлати армиясида “келажакка назар” дастурига мувофиқ “аутизм” билан касалланган ёшларнинг ҳам ҳарбий хизматга қабул қилаётганини кўришимиз мумкин. “2022 йилда Исроил давлати ўтган 2021 йилга нисбатан икки баравар кўп умумий 260 нафар аутизм билан касалланган ёшларни ҳарбий хизматга қабул қилди”[12]. Аутизм спектридаги ёшлар тоифаси билан Исроил давлати ахборотларни дастурлаш, спутникдан олинган жой хариталарини ўқиш, вазиятни ҳарбий жиҳатдан таҳлил қилиш каби йўналишларда кенг фойдаланадилар. Сабаби бундай ёшлардаги мавжуд бўлган супер қобилиятлар бошқа ёшларда кузатилмаслигида.

Бугунги кунда мактабларда ўқувчиларнинг қобилият ва қизиқишларидан келиб чиқиб қуйидаги ҳарбий соҳа йўналишларига жалб этиш мумкин. Қайсидир ўқувчи техник жиҳозларга, электр воситаларига қизиқиши бўлса уларни ҳарбий техник йўналишларга жалб қилиш натижада улардан келажакда ҳарбий кашфиётчи олимларни кашф қилиш, лидерлик сифати мавжуд бўлган ёшларни офицерлик касбига йўналтириш, жисмоний сифати

яхши ривожланган, соғлом ўқувчиларни армиядаги махсус жанговар бўлинмаларда хизмат қилишга йўналтириш мумкин. Қизларнинг ҳам шахсий сифатларини ўрганиш орқали ҳарбий фаолиятда алоқачи, шифокор, кинология соҳаларига жалб қилиш Қуролли Кучларнинг янада ривожланишига сабаб бўлади.

Рағбатлантириш тамойили; Ҳалқимизда *"яхши гап билан илон инидан чиқибди"* деган нақл бор. Мажозий маънога эга бўлган ибора замирида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жараёнлар мужассамлашганини кўришимиз мумкин. Яхши гап мақтов, рағбат, маъқуллаш, намуна кўрсатиш, қўллаб қувватлаш ва бошқа ижобий ҳаракатлар йиғиндисидан иборат. Бироқ рағбатнинг ҳам оқилона, ўз вақтида, меъёр даражасида қўлланилиши тарбия жараёнидаги педагогик талаблардан бири саналади. Оилада ҳам фарзандни мақташ, уни қилган ишларини бошқаларга намуна сифатида кўрсатиш болада ўзига бўлган ишонч ҳиссини шаклланишига ва ўз устида мунтазам ишлашга сабаб бўлади. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнида ҳам ёшларни қилган хатти-ҳаракати, олган назарий ва амалий билимлари бўйича мақташ, атрофдагиларга намуна сифатида кўрсатиш унинг ҳарбий соҳага бўлган муҳаббатини янада оширади. "Рағбатлантириш ўқувчининг кўнглини кўтаради, қувонч келтиради, янада яхшироқ бўлишга интилишига ёрдам беради"[13, 141].

Рағбатлантириш турлича бўлиши мумкин яъни моддий ва маънавий. Моддий жиҳатдан рағбатлантириш қимматбаҳо совға, эсдалик нишон, пул мукофоти ва бошқалар бўлса маънавий жиҳатдан рағбатлантириш жамоаси олдида мақташ, ҳурмат тахтасига суратини қўйиш, мусобақаларда давлат байроғини кўтариши, ҳарбий қисм жанговар байроғи олдида суратга тушириш, газета ва журналда илиқ сўзлар билан қилган ишларини ёритиш ва бошқалар.

Бугунги кунда рағбатлантириш усули Қуролли Кучлар муддатли ҳарбий хизмат аскарлари, офицер ва сержантлари орасида ҳам кенг қўлланиб келинмоқда. Мисол учун жанговар навбатчилик вақтида ҳарбий хизматчининг хизматини ижобий баҳолаш, спорт ўйини ғолибларини жамоаси олдида тақдирлаш *(моддий рағбатдан ташқари-энг яхши натижа кўрсатган аскарларни маълум бир муддатга жисмоний тайёргарлик машғулотларидан озод қилиш)* ва жанговар тайёргарликда юқори натижа кўрсатганларни бошқаларга ибрат сифатида кўрсатиш.

Сўнги йилларда мактаб ёшлари орасида ҳам ҳарбий спорт ўйинлари ўтказилиши кенг йўлга қўйилиб келинмоқда. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш, тақдирлаш тартиби аксарият мактабларда юқори кайфият билан ўтказилмоқда. Мисол учун жамоани бутун мактаб ўқувчилари, устоз ва мураббийлар иштирокида эътироф этиш. Бунда уларнинг тўплаган баллари, эришган натижалари, энг яхши натижа кўрсатган ўқувчи ёшлар, чин юракдан меҳнат қилган жамоа аъзолари алоҳида мамнуният билан мактаб раҳбарияти томонидан айтиб ўтилади.

Яна бир мисол юқори синф ўқувчилари йилда икки марта ҳарбий полигонларга ташриф буюрадилар. Ташриф давомида жанговар қуроллардан ўқ отиш, қуролни нотўлиқ қисмларга йиғиш ва ёйиш, ўқ дориларни ўқдонга жойлаш каби меъёрлар бажаради. Меъёрларнинг барчаси амалий бажарилиб ёшларнинг ҳарбий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Амалий машғулотлар якуни бўйича ҳар бир ўқувчи баҳоланади. Олинган баҳолар синфда, мактабнинг юқори синф ўқувчилари олдида эълон қилиниши ўқувчиларда амалий машғулотларга янада қизиқиш, ўзига нисбатан ишонч ва ғурур туйғусини ҳис қилишга ундайди. Буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий (ваф.951) ўқувчиларда амалий фазилатлар, амалий машқларни бажаришга одат, кўникма икки усул орқали шакллантирилиши, шулардан бири рағбатлантириш усулидир дея таъкидлаган. "Амалий фазилатларни бажаришга одатлантириш-илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида амалга оширилади"[14, 80-81]. Натижада ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик туйғулари янада жўш уриб, қалбида миллий армияга садоқат билан хизмат қилиш истаги шакллана бошлайди.

Замонавий ахборот ва компютер технологияларидан фойдаланиш тамойили; Ахборот коммуникация воситалари, ижтимоий тармоқлар, сунъий интеллект, робототехника воситалари сўнги йилларда жамиятнинг барча соҳаларига жадал суратларда кириб кела бошлади. Жумладан таълим тарбия соҳасига ҳам. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ахборот коммуникация, технология ва интернет тармоқларидан фойдаланиш бугуннинг зарурияти бўлиши билан бирга талабига ҳам айланиб бормоқда. Чунки илмий техник тараққиётлар кундан кунга ривожланиб ёшлар тарбиясига китобдан кўра технологик воситалар, ижтимоий тармоқлар ва ахборот маконидаги тарғибот ташвиқот ишларининг таъсири тез ва самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ёшлар ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда қуруқ гап ёки баландпарвоз ибордан кўра, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги кинофилмлар, animatsion роликлар, мултипликatsion видеоларни намойиш қилиш, компютер тренажёр воситаларида амалий кўрсатиш, симуляция воситаларидаги ҳарбий ўйинларга ёшларни жалб этиш янада самарали ва таъсирчан восита ҳисобланади.

“Мултимедиа технологиясини қўллаш эвазига ўқувчиларда фанларга қизиқиш ривожланади” [10, 462]. Мисол учун аксарият инсонлар ижтимоий тармоқларда ёки телевидениеда *“Десантчи Стёпичкин”* номли рус мултфилмини кўришган. Мултфилм орқали ўсмир йигит келажакда қайси касб эгаси бўлиши, ҳарбий хизматга бориши, армиядаги фаолияти, хизмати давомида армиянинг нуфузини халқаро даражага кўтариши кулгили ва қизиқарли кўринишда ёритиб берилган.

Яна бир мисол бугунги кунда Мудофаа Вазирлиги қўшинларида *“компютерлаштирилган тренажёрни ўқ отар қуролдан отиш мажмуаси”* деярли барча ҳарбий қисм ва полигонларда ўрнатилган. Мажмуанинг ўзига хос ижобий томони жанговар ўқ дори сарфламасдан, реал тактик вазият тасвирланган шароитда ҳарбий хизматчиларга ўқ отишни ўргатиш. Маҳалла ва мактабдаги ўқувчи ёшлар ҳам ҳарбий қисмга ташрифи давомида мажмуадан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Натижада ёшларда ҳарбий хизматга боргунга қадар жанговар қуролга нисбатан билим ва кўникма ҳосил бўлади. Бундай машғулотлар ўтилиши ҳарбий хизматга нисбатан қизиқиш истагини пайдо қилади. Ёшларнинг оилада, мактабда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси руҳида олган назарий билимларининг компютерлаштирилган тренажёр воситалари билан уйғунлашиши уларнинг Ватан олдидаги бурчини англаб етишига кўмакдош бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси янгича тамойилларини доимо ўрганиб бориш ва таълим тарбия тизимига татбиқ этиш глобаллашиб бораётган дунёда аҳамиятли ва муҳим педагогик жараён саналади. Бунинг учун мунтазам равишда ҳарбий сиёсий вазиятнинг таҳлилини олиб бориш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича илмий тадқиқот ва изланишларни давом эттириш, жаҳон мамлакатлари ҳарбий ватанпарварлик дастурларини ўрганиб бориш долзарб ва зарурий аҳамият касб этади. Тадқиқот олиб бориш жараёнида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда янгича тамойилларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим омил эканлиги тасдиқланди.

Келтирилган фикрлардан хулоса қилиб қуйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди.

1. Мунтазам равишда мактаб ва маҳаллаларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига бағишланган кўргазмали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг кўригига барча ёшлар жалб этилишини таъминлаб бориш;

2. Доимо жаҳонда ва минтақадаги ҳарбий сиёсий вазиятнинг педагогик таҳлилини юритиш. Олинган натижалар асосида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига, армия жанговар тайёргарлигига, ҳарбий хизмат нуфузига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларнинг мониторингини юритиш;

3. Ҳар чоракда бир маротаба ўқувчи ёшларнинг ҳарбий қисм ва полигонларга ташрифини йўлга қўйиш, жанговар қуроллардан ўқ отишни ташкиллаштириш, аъло баҳо олган ўқувчи ёшларни мактаб жамоаси олдида рағбатлантирилишини йўлга қўйиш. Қуролли Кучлар сафига янги харид қилинган замонавий ҳарбий техника ва қуролларнинг техник имконият ва характеристикаларини ёшларга етказиб бориш;

4. Оилада, мактабда ўқувчи ёшларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини, имконият ва қобилиятларини аниқлаш бўйича мунтазам равишда ишлар олиб бориш. Аниқланган истеъдодли, билимли ёшларни ҳарбий соҳага йўналтириш ва уларнинг билим ва малакаларини ошириш бўйича тизимли равишда ишларни ташкиллаштириш.

Адабиётлар:

1. Чангалиди Д.Н. Патриотическое воспитание в условиях глобализации. Журнал Вестник Бурятского государственного университета. С.278-281. 1-й выпуск. Улан-УДЭ-2010.

2. Маркова Т.М., Лашина Ю.В.,. Нитченко В.С. Международный научный журнал молодой учёный. С.163-164. Казань-2018.

3. Эшчанова Н. Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-марифий теҳнологиялари. Тошкент-2019. Б.471-474.

4. Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиева К. Педагогика. Тошкент-2001. Б. 186. Ўқитувчи нашриёти.

5. Коменский Я.А. Буюк дидактика. Тошкент-1975. Б.174-175. Ўқитувчи нашриёти.

6. Ҳолиқова Р.Э. Амир Темур ҳарбий маҳоратининг манбаларда талқин этилиши. Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. Тошкент-2022. Б.65-71.

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Қуруқликдаги қўшинлар жанговар низоми. Б.120-189. Тошкент-2023. Мудофаа Вазирлиги нашриёти.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-393 сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси базасида мудофаа университетини ташкил қилиш. Тошкент-2025.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-393 сон қарори. ЧҚБТ тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисидаги қарор. Тошкент-2024.

10. Мавлонова Р.А., Раҳмонқулова Н.Х., Матназарова К.О., Ширинов М.К., Хафизов С. Умумий педагогика. Б. 368,462. Тошкент-2018. Фан ва технология нашриёти.

11. Султонов Ҳ. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент-2016. Б.95. Гофур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи.

12. Электрон манба. https://detaly.co.il/tsahal-prizyvaet-vysokofunktsionalnyh-autistov/ Мурожаат қилинган сана. 31.08.2025. 15:00.

13. Асқарова Ў.М., Ҳайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика. Б.141. Тошкент-2008. Талқин нашриёти.

14. Ҳошимов К., Нишонова С., Ҳасанов Р., Иномова М. Педагогика тарихи. Б. 80-81. Тошкент-1996. Ўқитувчи нашриёти.


TaiShan
UWW.ORG
RUDIS
HEP
UWW+









